
2020 йилнинг 3 февраль куни «Quvasoyliklar» ахборот канали орқали “Video file” туркумида “Dolzarb” рукни остида Қувасой шаҳридаги светофорлар фаолияти билан боғлиқ танқидий чиқишларга шаҳар ҳокимлигининг БАЁНОТИ

Ушбу мурожаат шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ИИБ ЙҲХБ ва вилоят ИИБ ЙҲХБ ҳузуридаги қурилиш-монтаж бошқармаси мутасаддилари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида шу нарса аниқландики, шаҳар ҳудудидаги барча светофорлар 2019 йилнинг март ойида – Наврўз умумхалқ байрами арафасида ҳозирги, янгиларига алмаштирилган. Шундай бўлгач, светофорларни “эски”, деган даъво ҳақиқатга асло мос келмайди.

Бундан ташқари, вилоят ИИБ ЙҲХ ҳузуридаги қурилиш-монтаж бошқармаси вилоятда ягона ташкилот бўлиб, унинг ишчи-ходимлари ҳар ойда бир марта Қувасой шаҳридаги светофорларга таъмирлаш-созлаш хизматларини кўрсатиб келади. Ушбу ташкилот томонидан жорий йилнинг 31 январь, жума куни соат 10.00 дан 12.00 га қадар светофорларга ана шундай таъмирлаш-созлаш хизматлари кўрсатилган. Йўллардаги ҳаракатлар шаҳар ИИБ ЙҲХБ ходимлари томонидан тартибга солиниб турган. Афтидан, муаллиф шу вақт оралиғидаги вақтинчалик чекловдан таъсирланган бўлса керак.

Ҳозирги пайтда шаҳардаги мавжуд барча светофорлар белгиланган тартибда ишлаб турибди. Вазият шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар ИИБ ЙҲХБ томонидан тўлиқ назоратга олинган.

Қолаверса, тарқатилган ахборотда таъкидланганидек, Қувасой шаҳрига ташриф буюрган меҳмонлар эътиборини биргина светофорлар билан тортиб бўлмайди. Шаҳримизда, зиёрат ва саёҳат қиладиган гўшалар, шунингдек, кўплаб ишлаб чиқариш ҳамда маданий-маиший объектлар борки, улар бугунги кунда маҳаллий ва хорижлик меҳмонлар ва инвесторларни бирдек ўзига тортмоқда.

Шу ўринда, «Quvasoyliklar» ахборот канали администраторига айтар сўзимиз бор: агар сиз тақдим этилаётган ҳар бир ахборотни тарқатишдан олдин, ундаги воқеликлар қанчалик ҳақиқат ёки аксинча эканлигига эътибор қаратганингизда эди, турли ташкилотларнинг ходимлари ўз ишларидан чалғиб, кун бўйи ёлғон маълумотларга рост жавоблар билдириш билан оввора бўлмас эдилар.

Мазкур материал тайёрланаётган пайтда яна бир ахборот тарқалди. Эмишки, шаҳарнинг А.Азизов кўчасидаги светофор ишламаётган эмиш. Зудлик билан етиб бордик ва ушбу маълумотнинг ёлғон эканлиги аниқланди. Светофор ишлаб турибди. Бу каби бемаъни ахборотлар тарқатишдан ким ва қанчалик манфаатдор, билмадик.

Яна ўша гап, ҳурматли администраторга инсоф берсин!

Қувасой шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-02-04 15:42:51